

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг раиси
Ф.Р. Ханапияевга.

Ромитан туман тиббиёт бирлашмасининг
кўп тармоқли поликлиника юқумли
касалликлар хонаси врачлари Юлдуз Аминова
ва ҳамшира О.Ражабовалар
томонидан

Ташаккурнома!

Мен, Аминова Юлдуз ва Ражабова Орзигул поликлиниканинг юқумли касалликлар хонасида ОИВ ва ОИТС касалликлари билан шуғулланиб келишимиз муносабати билан лавозим маошимизга бирлашма томонидан қўшимча 75 фоиз миқдорида устама тўланмаганлиги меҳнат техник инспектори томонидан ўрганилиб, тўланмаслик факти амалий ёрдам вақтида аниқланди.

Бизларнинг иш ҳақларимиз, меҳнат шартномамиз, буйруқларимиз ва иш ҳақимиз тўғрисидаги карточка-маълумотномаларга асосан ҳисоб-китоблар амалга оширилиб, 2020, 2021 ва 2022 йил давомида ишлаган даврларимиз учун лавозим маошимизга 75 фоиз миқдорида (даромад солиғи ва касаба уюшмаси бадали чегирилганидан сўнг) – **жами 56 467 114 сўм** миқдоридаги тўловлар тўланиши юзасидан иш берувчига ёзма кўрсатма киритилиб, иш берувчи тўлашни рад этганидан сўнг, ФИБ Ромитан туманлараро судига суд буйруғини чиқариш бўйича ариза киритилди. Суд томонидан ижобий қарор чиқарилган бўлсада иш берувчи томонидан апелляция шикояти бериш орқали суд буйруғини бекор қилдирди. Такроран ФИБ судга киритилган даъво аризаси муҳокама этилиб, ижобий қарор чиқарилди.

Натижада мен врач Аминова Юлдузга 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ва 2022 йил 12 ойи учун жами 25 427 712 сўм ва ҳамшира Ражабова Орзигулга 2020, 2021 ва 2022 йиллар учун жами 31 039 402 сўм миқдоридаги қўшимча тўловлар 2023-йилнинг 5 май куни пластик карточкамизга ўтказиб берилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиз томондан олиб борилаётган сиёсат ва меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб бораётган шарафли ишларингизга каттадан-катта миннатдорчилигимизни билдирамыз деб,

Хурмат ва эҳтиром ила



Ю.Ў.Аминова



О.Б.Ражабова